

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



№ 2 2020 жыл

ISSN 2181-7138

## Илимий-методикалық журнал

Редактор:  
*A. Тилегенов*

Шөлкемлестириүшилер:  
Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендериү  
Министрлиги, ӨЗПИИ  
Қарақалпақстан филиалы

### Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Аманжол АЯПОВ  
Өсербай ӘЛЕҮОВ  
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ  
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Айдын СУЛТАНОВА  
Норбек ТАЙЛАКОВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарапы менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм  
хабар агентлиги тәрепинен 2007-  
жылы 5-мартта дизимге алынды  
№OA-044-санлы гүйалық  
берилген.  
Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),  
[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)

Журналга келген мақалаларга жууап қайтарылмайды, журналда жөннилгендеган мақалалардан  
алынган үзиндер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендериү» журналынан алынды, деп корсетилийи  
шарт. Журналга 5-6 бет колеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шриф-  
тінде электрон версиясы менен биргэ қабыл етиледи. Мақалада көлтирилген маглыұматтарға автор  
жууапкер.

<b>Шарофаддинов Ш. А. Системно-деятельностный подход к управлению инновационной работой педагогов .....</b>	<b>99</b>
---	-----------

### ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Саломова Р.В. Информатика фанини ўқитишида мультимедиали воситаларидан фойдаланиш технологиялари .....</b>	<b>102</b>
<b>Sobirov S. T. Axborot kommunikativ texnologiyalar orqali o'quvchilarining ijodiy imkoniyatlarini ivojlantirish .....</b>	<b>105</b>
<b>Achilov N.N. Chizmachilikda oddiy qirqimlar bajarish orqali o'quvchilarning fazoviy tasavvurini shakllantirish .....</b>	<b>108</b>
<b>Achilov N.N., Ko'kiyev B.B., Bekqulov Q. Sh.Yaqqol tasvirlarni bajarishda AutoCaD dasturidan foydalanib loyihalash .....</b>	<b>110</b>

### БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

<b>Толлибоева У.Қ. Бошланғич синф ўқиши дарсларида инновацион таълим технологиялари дан фойдаланиш муаммолари .....</b>	<b>114</b>
<b>Кулахметова М.П. Бошланғич синфлар меҳнат таълими дарсларида миллий хунармандчиликка йўналтириш ишларининг хусусиятлари .....</b>	<b>118</b>
<b>Маматкулова Н. Ш. Бошланғич таълим самарадорлигини оширишнинг илмий-педагогик асослари .....</b>	<b>121</b>
<b>Атаева Б.А. Бошланғич синф ўқувчиларида математик нутқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари .....</b>	<b>123</b>
<b>Тошева Н.Т. Бошланғич синф ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари .....</b>	<b>126</b>
<b>Xamroyeva N.Sh. PIRLS - бошланғич синф ўқувчиси тафаккурини оширишнинг мухим омили сифатида .....</b>	<b>132</b>
<b>Kenjayeva Yu.M. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida kommunikativ kompetensiyani rivojlantirishda psixolingvistik yondashuv .....</b>	<b>137</b>
<b>Пардабоев Ж.Э., Утаева Н. Хорижий тажрибалар асосида “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўгараклар фаолиятини ташкил этишининг инновацион технологиялари ..</b>	<b>142</b>
<b>Xo'jamiyorov S.Ch. Maktabgacha yoshdag'i bolalarda tasviriy faoliyatdag'i ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish .....</b>	<b>147</b>
<b>Бердалиева Г.А. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг аҳамияти .....</b>	<b>150</b>
<b>Умнов Д.Г., Омонбоева М.У. Творческое развитие детей дошкольного возраста .....</b>	<b>156</b>

## Адабиётлар:

- Жумаев М.Е. ва бошқалар. Бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикаси модули бўйича ўкув – услугубий мажмуа (II қисм)., Тошкент-2018.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 6-апрелдаги “Умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори.
- Халқ таълими Вазирлигининг 2017-йил 3-июнда 190-сонли буйруги асосида тасдиқланган бошланғич таълим фанлари ўкув дастури.

## РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бошланғич синф ўкувчиларида математик нутқ ва уни ривожлантириш, математика фанининг инсон интеллектини ривожлантиришдаги ўрни, бошланғич таълимда математика фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, машғулотларни ўйин шаклида олиб бориш каби масалалар ёритиб берилган.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются такие вопросы, как математическая речь и ее развитие у учащихся начальных классов, роль математики в развитии человеческого интеллекта, цели и задачи преподавания математики в начальном образовании, проведение уроков в форме игр.

## SUMMARY

This article discusses such issues as mathematical speech and its development in primary school students, the role of mathematics in the development of human intelligence, the goals and objectives of teaching mathematics in primary education, and conducting lessons in the form of games.

---

## БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Тошева Н.Т.*

*БухДУ катта ўқитувчиши (PhD)*

**Таянч сўзлар:** бошланғич таълим, ўкувчининг билиш фаолияти, ўқитувчи фаолияти, педагогик технологиялар, субъект, таълим жараёни, билиш имкониятлари, ўкув вазияти, дидактик ёндашувлар, психологик ёндашув, психологик-педагогик хусусиятлар.

**Ключевые слова:** начальное образование, познавательная деятельность студентов, педагогическая деятельность, педагогические технологии, предмет, образовательный процесс, познавательные возможности, учебная ситуация, дидактические подходы, психологический подход, психолого-педагогические особенности.

**Key words:** primary education, cognitive activity of students, pedagogical activity, pedagogical technologies, subject, educational process, cognitive opportunities, educational situation, didactic approaches, psychological approach, psychological and pedagogical features.

Ўкув жараёнида ўкувчининг билиш фаолияти ўз-ўзидан ривожланмайди. Ўкув жараёни фаолиятли шаклга эга бўлганда, муайян мазмун касб этганда ва бу мазмун ўкувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланганда уларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш имконини беради. Таълим ва ўкувчининг руҳий ривожланиши орасида унинг фаолияти намоён бўлади. Бошқача сўз билан айтганда таълим маҳсус ташкил этилган жараён сифатида муайян ўкув предметини ўкувчининг билиш фаолиятини амалга оширишига йўналтирилади. Дидактик жараённи амалга

ошириш давомида ижтимоий воқелик асосида ўкувчи рухиятининг шаклланиши ташқи ҳаракатлар ички интилишлар, когнитив, тафаккур, хотира, идрокнинг намоён бўлишини таъминлайди. Бундай шароитда фаолият ўкувчиларда билиш жараёни шаклланишининг ташки шароитига айланади. Бу шуни ифодалайдики, ўкувчини ривожлантириш учун унинг билиш фаолиятини ташкил этиш зарур.

Ўкув материалини суст даражада идрок этиш жараёнида ўкувчиларда билиш фаолиятининг ривожланиши амалга ошмайди. Ўкувчининг айнан ўз ҳаракатлари кела-жақда унинг лаёқатларини ривожлантиришга асос бўлади. Шундай экан таълимнинг мухим вазифаларидан бири – ўкувчини билиш ҳаракатларига ундовчи ўкув вазиятларини ҳосил қилишдан иборат. Бундай шароитда педагогик алоқаларни амалга ошириш жараёнида ўкувчиларни вазиятдан ташқари ҳолатлардан узоклаштириш талаб қилинади. Ўйин вазиятларида ўкувчиларни билиш фаолиятига йўналтирилган юкламалар билан банд қилиш қабул қилинган ўйин шартларига боғлиқ. Мулоқотга киришувчиларнинг ҳолатини жалб этилганлар, қатнашувчилар, сұхбатдошлар каби атамалар билан атап мумкин.

Ўкув вазияти ўкувчининг фикрлаш ва фаолият қўрсатиши майдони сифатида намоён бўлиши керак. Бу жараёнда ўкувчилар ўрганувчи мавқенини эгаллайдилар. Бу шуни англатадики, ўкув машғулотлари ҳаётини вазиятлар билан бевосита боғланади. Ўкувчи мазкур вазиятда ўзлаштирган фаолият усууларини бошқа ўкув вазиятларида ҳам қўллаш имкониятига эга бўлади. Муайян машғулот жараёнида ташкил этиладиган ўкув вазиятлари икки хил тавсифга эга бўлади:

- а) ўкув вазияти ўйиндан иборат;
- б) ўкув вазиятидаги ўйин ўргатувчилик ҳарактерига эга.

Маълумки, ўйин бошланғич синф ўкувчилари ҳаёти ва билиш фаолиятида етакчи ўрин эгаллайди. Бошланғич синф ўкувчиларининг билиш фаолиятларини ривожлантиришда ҳаёлий вазиятлар ва ролли ўзаро алоқадорлик мухим аҳамиятга эга. Мазкур машғулотларда ролли ўзаро алоқадорлик мухим ўрин эгаллайди. Бундай вазиятларда икки хил мавқе амал қиласи – ўқитувчи мавқеи ва ўкувчи мавқеи.

Мазкур мавқеларнинг ҳар бири ўзига хос тавсиф ва фаолликка эга. Ўкувчи мавқеига хос бўлган ҳолатлар эҳтиёж, қизиқиш, майллар, дикқат, тушунишдан иборат. Бу ҳолат ўкув вазиятини бошқариш учун мухим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ўкув вазиятида эгаллаган мавқеилари уларнинг таълім жараёни субъектлари ўқитувчи ҳамда ўкувчилар гуруҳидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўкув вазиятини ўкув машғулотлари билан тенглаштириш мумкин эмас. Ўкувчи машғулотларга иштирок этиши, лекин ўкув вазиятига кириша олмаслиги мумкин. Ўкув вазияти ўкувчиларнинг ягона, мулоқот ва фикрий бирлик асосида аник, ташкиллаштирилган жараёндир. Ўкув вазияти субъектлари ўқитувчи ҳамда ўкувчилар гуруҳидир.

Ўкув вазиятининг моҳияти ва ривожлантирувчи ҳарактерга эга эканлиги ўкувчиларнинг ўз мавқеиларини мустақил аниқлашларида намоён бўлади. Ўкув вазияти жараён иштирокчиларининг ўз мавқеиларини аниқлашларини тақозо қиласи. Ўкув машғулотлари иштирокчилари учун эса саволларга жавоб бериш етакчи аҳамият касб этади. Ўкув вазиятларида ўкувчиларнинг ўз мавқеиларини белгилашлари биринчи даражали аҳамиятга эга.

Билиш жараёнини барча даражаларини таҳлил қилишдан кўзда тутилган мақсад унинг турларини аниқлашдан иборатdir. Чунки билишнинг турлари таълим жараёнида ўкувчиларнинг ўзлаштириш предмети сифатида намоён бўлиши лозим. Шу муносабат билан биз, ажратиш, ташкил этиш ҳамда билиш фаолиятини

үзлаштиришнинг турлари аниқлаш мақсадини қўямиз. Мазкур муаммонинг ечими шахснинг ўз-ўзини хурмат қилиши учун зарур бўлган асосни вужудга келтиради.

Бошланғич синфларда ўкувчиларнинг интеллектуал ривожланиш жараёни амалга ошади. Ўкувчи факат жадал фаолият жараёнида шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам, бошланғич синф ўкувчилари билиш фаолиятларининг ривожланиши ўкувтарбия жараёнида амалга ошади. Шунга кўра хатога йўл қўйиш ўкувчиларнинг билиш фаолиятлари, интеллектуал ривожланишлари пасайишига олиб келади. Ўкувчининг интеллектуал жиҳати тўғридан-тўғри ўкув-билув фаолиятини эгаллаши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўкувчи интеллектуал тараққиётининг характеристига улар фаолиятининг бошқа турлари ҳам бирдай таъсир кўрсатади.

Педагогик тадқиқотларда ўйин, ўқиши ва меҳнат фаолияти ажратилган ва ҳар томонлама таҳлил қилинган. Мустақил билиш жараёни сифатида улар билр-бирларини ихтиёрий тарзда тақозо қиласди. Ўкувчи фаолиятини ривожлантирадиган асосий ҳодиса унинг майллариидир:

1. Меҳнат биологик эҳтиёжларни қондиради;
2. Ўйин хиссий эҳтиёжларни қондиради;
3. Билиш интеллектуал эҳтиёжларни қондириб, ўкувчининг меҳнат ва ўйин фаолияти билан боғлиқдир.

Ҳар қандай ҳолатда ўкувчининг билиш фаолияти инсон фаолиятининг мустақил тури сифатида ўрганилади. Ўкувчининг билиш фаолияти ўзига хос ўкув вазиятларида амалга ошади ва ўкув-билув фаолияти сифатида талқин этилади. Ўкувчининг билиш фаолиятини муайян кўринишлар, шакллар, воситалар, усуслар, йўллар, методлар ёрдамида амалга оширилади. Шунда кўра куйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Табиий шароитдаги мактаб амалиётида билиш фаолиятини турли-туман кўринишларда вужудга келтириш;
2. Ўкувчининг билиш фаолияти ўзининг хосил бўлиш турлари, кўринишлари, усуслари, шакллари, методларига эга бўлиши;
3. Ўкувчилар билиш фаолияти турларининг ягона таснифи мавжуд эмаслиги.

Ўкувчиларнинг билимларни ўзлаштириш усусларини эгаллашларининг зарурлиги кўплаб дидактик ёндашувларда назарий жиҳатдан асослаб берилган. Билимларни ўзлаштириш усуслари субъектив билиш воситаси бўлиб, бундай воситаларсиз ўкувчилар ижодий фаолият кўрсата олмайдилар. Мазкур воситаларга улар кузатишлар, тажрибалар давомида мурожаат қиласдилар. Мазкур кузатишлар ва тажрибалар амалга ошириш воситаларига муҳтождир.

Шу нарса аёнки, фикрлаш усуслари билиш фаолияти усусларининг асосий негизидир. Бошқа томондан эса, моделларнинг таҳлили билиш фаолияти усусларини ўкувчилар мазкур фаолият усусларининг таркиби орқали амалга оширадилар. Усуслар сирасини истаганча давом эттириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўкувчи билиш фаолиятининг таркиби унинг турлари, усуслари, кўринишлари, шаклларини ифодалайди.

1. Билиш фаолиятининг кўриниши унинг тавсифи бўлиб, мазкур фаолият обьектига нисбатан унинг субъекти қандай фаолият кўрсатишни ифодалайди.

2. Билиш фаолиятининг тури бу фаолиятнинг дастлабки ижодий кўринишини тавсифловчи ҳолатdir.

Билиш фаолиятининг усуслари ва шакллари тушунчасини турли шакллар ва усуслар ёрдамида ифодалаш мумкин. Булар жумласига ўкувчиларнинг мустақил ишлари ҳамда уларнинг ўқитувчи раҳбарлигига бажарадиган ишларини кўрсатиш мумкин. Ўкувчилар билиш фаолиятларининг кўринишлари ўзига хос белгиларга эга. Биз

билиш фаолиятининг турлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар қуидагилардан иборат:

1. Оламни яхлит тарзда билишга йўналтирилган;
  2. Ўкувчининг билиш эҳтиёжларини намоён қиласиган;
  3. Ўкувчининг интеллектуал ривожланишини таъминлайдиган каби.
- Шу билан бир қаторда, билиш фаолиятининг ҳар бир тури қуидагиларга эга:
1. Умумий ҳодисанинг таркибий қисми сифатида ўзининг муайян ҳолатига эга;
  2. Ўзининг таркибий қисмларига эга.

Билиш фаолияти турларини аниқлашда биз унинг мураккаблилиги, кўптаркиблилигидан ва фаолиятнинг умумий ҳолатига эга лигидан келиб чиқдик. Ўкувчилар билиш фаолиятининг ҳолати бу билимлар эмас, шахснинг сифатлари ва кўнилмаларидир. Ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимлари, кўнилмалари ва сифатлари бу мазкур фаолиятнинг мақсади ва натижасидир. Фаолиятнинг ҳолати эса, унинг нимага йўналтирилганлигини ифодалайди. Ўкувчи нимани билиб, идрок этишини ифодалайди. Бу предметнинг ўзига хослиги, белгилари, алоқалари ва бошقا жиҳатлари, таҳлилий ҳолатларнинг ҳисобга олинганлиги, ташвишлари, муносабатлари, ҳиссиётлари ва кечинмаларини ифодалайди.

Билиш ҳолатида объектив ҳамда субъектив жиҳатлар ажратилади. Бу эса ўкувчининг билиш фаолияти учун аҳамиятли бўлган жиҳатларидир.

Ҳар қандай ҳодисанинг ташки томони унинг табиий тавсифини ифодалайди. Ички томони эса, инсоннинг унга нисбатан субъектив муносабатини акс эттиради. Ҳар бир ўкувчи ўзи ўрганаётган ҳодисага нисбатан шахсий муносабатда бўлади. Бу ўз навбатида билиш жараёни самарадорлигини таъминлайди. Билиш фаолиятнинг кўриниши ўзгариши баробарида, ўкувчининг унга нисбатан субъектив муносабати ҳам ўзгаради. Ўкувчиларнинг билиш фаолияти тизимини таҳлил қилиш натижасида мазкур тизимнинг қандай қисмлари билиш фаолиятининг тури сифатида намоён бўлишини таъминлайди, деган саволга жавоб излаш лозим.

Мавжуд адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунга қадар мутахассислар томонидан ўкувчилар билиш фаолиятининг қуидаги кўринишлари аникланган. Улар қуидагилар:

- эришувчи ҳамда қабул қилувчи;
- идрок этиш ва англаш; эсда саклаш ва ўзлаштириш; хотирада қайта тиклаш ва қўллаш;
- мустакил иш кўринишлари;
- билиш фаолияти кўринишлари;
- билиш фаолияти усуллари: эмпирик, математик, лингвистик, назарий, фаолиятли-қайта шакллантирувчи билиш;
- билиш фаолияти методлари;
- ақлий фаолият усуллари;
- фикрий операциялар: таҳлил қилиш ва умумлаштириш каби.

Бизнинг нуқтаи назаримиз билиш фаолиятининг кўринишлари каби унинг намоён бўлишини ҳам дидактик жиҳатдан асослашга қаратилган. Бунинг учун билиш фаолиятининг ҳар бир кўриниши қандай ҳодиса билан боғлиқлигини аниқлаш лозим.

Билиш фаолиятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ўкувчиларнинг янги билим, кўнишка ва малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилганлигидадир. Бу эса объектив воқеликни билишга қаратилган фаолият сифатида намоён бўлади. Худди мана шунинг ўзи билиш фаолиятининг қандай ҳодиса билан боғлиқлигини аниқлаш имко-

нини беради. Мазкур ҳодиса уйғунлашган белгилари, билиш объектининг ўзига хослиги билан ҳам боғлиқ бўлади.

Билиш жараёнини ифодаловчи ҳодиса сифатида нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг асосий, мавжуд етакчи хусусиятлари ҳам намоён бўлиши мумкин. Уни фақат билиш ҳодисаси билан боғлиқ тарзда ўрганиш мумкин. Билиш жараёнининг обьекти сифатида мавжуд ахборот оқимлари ҳам намоён бўлади. Бундай ахборотлар аксарият ҳолларда дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув адабиётлари, ўқитувчининг кундалик маълумотларида ўз ифодасини топади.

Билиш фаолиятининг муҳим обьекти сифатида ўзаро алоқадор билимлар тизими намоён бўлади. Ҳар бир ҳодисани ўрганиш жараёни бир қатор йўналишларга эга:

1. Ахборотларни ўзлаштиришга мўлжалланган ахборотли йўналиш;
2. Фаолият усулларини ўзлаштиришни назарда тутувчи фаолиятли йўналиш;
3. Билиш обьектини шахсий моҳиятини англашга мўлжалланган шахсий йўналиши.

Шу билан бир қаторда, билиш фаолияти билан боғлиқ ҳодисаларнинг бошқа кўринишлари ҳам мавжуд. Масалаң, топшириқлар, муаммоларнинг ечимига олиб келадиган билиш фаолиятлари кабилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юкорида кўрсатилган ҳолатлар бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятларини муайян ўқув вазиятларида ривожлантириш учун муҳим дидактик аҳамиятга эга. Билиш фаолияти алоҳида кўринишларини ифодаловчи ҳолатлар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Ўқувчилар билан уларнинг билиш фаолиятлари устида ишлашда ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш учун жуда кўп вақт сарфланади;
- Мавжуд ҳодисалар обьектив борлиқни билиш учун кўпроқ имконият яратади;
- Билиш фаолиятини эгаллаш ўқувчиларнинг бошқа фаолият кўринишларини ўзлаштиришларини жадаллаштиради. .

Ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири – бошланғич синф ўқувчиларини билиш фаолиятига киришишга жалб этишдан иборат. Шу асосда ўқитувчи ўқувчиларга режалаштириш ва ўз фаолиятини оқилона ташкил этиш кўнималарини шакллантириши лозим. Ўқувчиларнинг турли фаолият кўринишларини ҳар томонлама чукур эгаллашлари, улардан янги билимларни ўзлаштиришга қанчалик тўғри фойдалана олишларидан билиш фаолиятларининг тараққиёти муайян даражада боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида эса ўқувчиларда билиш қизиқишлири ва эҳтиёжлари яхлит тарзда ривожланади. Аксарият ҳолларда биз билиш фаолиятининг муайян кўринишлари ўқувчиларнинг ривожланишларини жадаллаштиришига гувоҳ бўламиз.

Шу тариқа, ўқувчилар билиш фаолиятларининг кўринишлари кузатиш, тажриба, дарсликлар ва бошқа адабиётлар билан ишлаш, билимларни изчил тизимга солиш кабиларда намоён бўлади. Педагоглар ва психологлар ҳар бир фаолиятнинг таркибий қисми сифатида ўқув ҳаракатлари ва ўқув операцияларини кўрсатиб ўтадилар. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари таркиби қўйидагиларни ўзида мужассамлаштиради:

- Билиш фаолиятининг алоҳида кўринишлари ўзаро боғланганлиги;
- Муайян даражадаги уйғунлашган ўқув ҳаракатларининг бажарилиши, билиш фаолиятини яхлит тарзда бажариш имконини бериши;
- Ўқув операциялари ҳаракатларни бажариш усули эканлиги кабилар.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантирувчи ўқув вазиятларини танлашда мазкур тамойилга таяниш ўқув вазиятла-

рини ташкил этишнинг янги шакллари, воситалари, усул ва методларини қўллашни талаб қиласди. Бу жараёнда муаммоли ўкув материалларини танлашда ўкувчиларнинг қизиқишларини алоҳида хисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич таълимнинг асосий вазифаларидан бири – ўкувчиларда янги билимларни мустақил тарзда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришдан ҳам иборат.

Ўкувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўкув вазиятларини танлашда мухим ўрин эгаллайдиган тамойиллардан яна бири – ўзаро мос тарзда ўкувчиларнинг имкониятларини максимал тарзда таъминлаш тамойилидир. Бунда ўкувчиларнинг ўкув-билув фаолиятлари кўпроқ амалий характер касб этишига эътибор қаратиш лозим. Ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимларини амалий жиҳатдан қўллашларига кенг ўрин ажратиш шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий белгиларидан бири хисобланади. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундаки, ўкувчиларнинг ўкув-билув фаолиятини самарали ташкил этишда ўкув вазиятларини имкон қадар объектив воқеликка яқинлаштириш талаб этилади. Бундай вазиятларни ташкил этишда муаммолилик тамойилига ҳам таяниш лозим. Бу жараёнда ўкувчилар янги билимларни назарий фикрлашдан ижодий қўллашга ўтадилар.

Ўкувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўкув вазиятларини ташкил этишда – ўзаро ҳамжиҳатликда ўқитиш тамойили мухим аҳамият касб этади. Мазкур тамойилга таянишнинг моҳияти шундаки муайян ўкув вазиятида ўкувчилар билганларини бир-бирларига ўргатадилар; билимларини ўзаро алмашадилар. Ўкувчиларнинг мустақил билим олишлари учун нафақат назарий билимлар заҳираси, балки ўзлари ўрганган ҳодисалар, далиллар, ахборотларни таҳлил қилиш ва оммалаштириш кўникмалари ҳам мухимдир. Бунинг натижасида ўкувчилар ўзлаштирган билимларини ижодий қўллаш тажрибасига эга бўладилар. Улар бошланғич синфларда ёқ ўзлари ва синфдошлари йўл кўйган хатолардан тегишли хуласа чиқариш кўникмасини эгаллашлари лозим. Ўкувчилар ўз билимлари ва фикрларини долзарблаштира олишлари ва ривожлантиришлари мухим аҳамиятга эга.

Хуласа қилиб айтганда, бошланғич синф ўкувчилари билиш фаолиятининг асосий кўриниши дарсларда кузатиш, дарсликлар ва бошқа ўкув адабиётлари билан ишлаш, билимларни изчил тизимга солиш кабилардан иборат экан. Ўкувчилар билиш фаолиятининг манбалари бир-биридан ажратиб олинган ҳолда мавжуд бўлмайди. Чунки ўкувчилардаги ўкув-билув фаолияти ҳам ўзаро бир-бири билан боғлангандир. Мазкур алоқадорликнинг табиий асоси барча ҳолатларда ўкувчилар моддий борлиқ ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги билимларни ўзлаштирадилар. Шу билан бир қаторда, ўкувчилар ўкув-билув йўналишидаги бошқа кўплаб фаолиятларнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Ўқитувчининг мухим вазифаларидан бири – бошланғич синф ўкувчиларини билиш фаолиятининг ҳар бир кўринишини бажаришга ўргатишдан иборат. Шу асосда ўқитувчи ўкувчиларга режалаштириш ва ўз фаолиятини оқилона ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Ўкувчиларнинг турли фаолият кўринишларини ҳар томонлама чукур эгаллашлари, улардан янги билимларни ўзлаштиришга қанчалик тўғри фойдалана олишларидан билиш фаолиятларининг тараққиёти муайян даражада боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида эса ўкувчиларда билиш қизиқишлари ва эҳтиёжлари яхлит тарзда ривожланади. Ўкувчиларнинг билиш фаолиятлари ҳиссий идроқ, назарий тафаккур ва амалий фаолият бирлигидир. У мактаб таълимнинг ҳар бир босқичида вужудга келади ва мунтазам ривожланади. Билиш фаолияти ўкувчиларнинг ижтимоий алоқалари ва ўкув фаолиятларининг барча турларида мустаҳкамланади ва кенгаяди. Шу билан бир қаторда, ўкувчилар билиш фаолиятининг ривожланишида ўкув вазиятларида муайян

ўкув топшириқларини бажариш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунга қарамай фақатгина таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолияти аниқ даражада шаклланади. Чунки ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолияти билиш фаолиятининг шаклланishi ва ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрга тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017.-48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 31.
3. Сафарова Р., Мусаев У.К., Мусаев П. ва бошк. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш ўйллари. –Т.: Фан, 2005. – 255 б.
4. Воробьев Г. Г. Школа будущего начинается сегодня. Книга для учителя. - М.: Просвещение, 1991. - 239 с.
5. Выготский Л.С. Вопросы детской психологии- С. Пб.: Союз, 1999. -339 с.
6. Абдуллаева Қ.А., Сафарова Р.Ф. ва бошк. Бошланғич таълим концепцияси. // Бошланғич таълим ж. –Т.: 1998. -№6. – Б. 12-18.
7. Аверин В. А. Психическое развитие детей младшего школьного возраста: Учеб. пособие С.Пб.: Изд-во Михайлова В. А., 2000. - 64 с

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларини билиш фаолиятини ривожлантириш имконияти ва кейинги босқичларда замин яратса олиши, ўқувчи билиш фаолиятининг асосий субъекти сифатида намоён бўлиши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик технологияларни излаш ва мослаштириш, билиш фаолигига йўналтириш жараёнининг таҳлили, мазкур жараёнинг бир қатор йўналишлари ўз аксини топган.

#### РЕЗЮМЕ

Данная статья дает возможность развивать познавательную деятельность учащихся начальных классов и закладывать основы для следующих этапов, становления учащихся как основного предмета познавательной деятельности, поиска и адаптации педагогических технологий, направленных на развитие познавательной активности учащихся, анализа познавательной деятельности.

#### SUMMARY

This article makes it possible to develop the cognitive activity of primary school students and lay the foundations for the next stages, the formation of students as the main subject of cognitive activity, the search and adaptation of pedagogical technologies aimed at the development of cognitive activity of students, the analysis of cognitive activity.

---

## PIRLS - БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИСИ ТАФАККУРИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Xamroyeva N.Sh.

*Бухоро давлат университети Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi йўналиши  
магистранти*

**Таянч сўзлар:** PIRLS, тафаккур, бошланғич синф ўқувчиси, фикрлаш жараёни, ўқиб тушуниш, англаш.

**Ключевые слова:** PIRLS, мышление, ученик начальной школы, мыслительный процесс, понимание прочитанного, понимание.